

Росуллоҳнинг мева танавул қилишлари ва шароблари баёни ҳақидаги боблар.

باب ما جاء في فاكهة و صفة شراب رسول الله صلى الله عليه

وسلم

[Ўзбекча – Uzbeking – الأوزبكي]

Абу Ийсо Мухаммад ибн Ийсо ат-Термизий

Таржимон: Абдуллоҳ Шариф

Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий

2009 - 1430

islamhouse.com

باب ما جاء في فاكهة و صفة شراب رسول الله صلى الله عليه

وسلم

« باللغة الأوزبكية »

ترجمة: عبد الله شريف

مراجعة: شمس الدين درغاي

2009 - 1430

Islamhouse.com

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

الحمد لله نحمده ونستعينه ونتوب إليه ، ونعوذ بالله من شرور أنفسنا ومن سيئات أعمالنا ، من يهده الله فلا مضل له ومن يضلل فلا هادي له ، وأشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له وأشهد أن محمد عبده ورسوله صلى الله عليه وعلى آله وأصحابه ومن تبعهم بإحسان وسلم تسليما
أما بعد :

(30) باب ما جاء في فاكهة رسول الله وفيه (7) أحاديث

Пайғамбар алайҳиссаломнинг мева танавул қилишларини баён этадиган боб

197 - حدثنا إسماعيل بن موسى الفزاري ثنا إبراهيم بن سعد عن أبيه عن عبدالله بن جعفر قال كان النبي يأكل القثاء بالرطب

Абдуллоҳ ибн Жаъфардан ривоят қилинади айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам таррага янги пишган хурмони қўшиб ер эдилар.

198 - حدثنا عبدة بن عبدالله الخزازي البصري ثنا معاوية بن هشام عن سفيان عن هشام بن عروة عن أبيه عن عائشة رضي الله عنها أن النبي كان يأكل البطيخ بالرطب

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам торвузга хурмо қўшиб ер эдилар.

199 - حدثنا إبراهيم بن يعقوب ثنا وهب بن جرير ثنا أبي قال سمعت حميدا يقول أو قال حدثني حميد قال وهب وكان صديقا له عن أنس بن مالك قال رأيت النبي يجمع بين الخربز والرطب

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, у зот айтадилар: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламни тарвузга хурмони қўшиб еганларини кўрганман.

200 - حدثنا محمد بن يحيى ثنا محمد بن عبدالعزيز الرملي ثنا عبدالله بن يزيد بن الصلت عن محمد بن إسحاق عن يزيد بن رومان عن عروة عن عائشة رضي الله عنها أن النبي أكل البطيخ بالرطب

Оиша онамиздан ривоят қилинади айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам тарвузни хурмо билан қўшиб ер эдилар.

Изоҳ: Уламолар айтадиларки: Бу ҳадисларда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг таррак ва тарвузга хурмо қўшиб еганлари баёни ўтди. Чунки таррак ва тарвуз совуқ миждоз мевалардан бўлиб, хурмо эса жуда иссиқ миждозли мевадир. Агар иссиқлик мева билан совуқлик мевани қўшиб истеъмол қилинса мўътадил ҳол бўлиб, инсон жисмига зарар етмайди. Яъни инсоннинг иссиқлиги ошиб, ёки совуқлиги кўпайиб ҳар касалликларга дучор бўлмайди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам манашундай саломатчиликка эътибор бериб, ошқозонни ўта совуқлик ёки иссиқликдан асраб эдилар. Балки у зот овқатланиш борасида, энг чиройли табобат қонунларини асосчиси бўлганлар-десақ, асло янглишмаган бўламиз.

201 - حدثنا قتيبة بن سعيد عن مالك بن أنس (ح) وثنا إسحاق بن موسى ثنا معن ثنا مالك عن

سهيل بن أبي صالح عن أبيه عن أبي هريرة قال قال كان الناس إذا رأوا أول الثمر جاؤوا به إلى النبي فإذا أخذه رسول الله قال اللهم بارك لنا في ثمارنا وبارك لنا في مدينتنا وبارك لنا في صاعنا وفي مدنا اللهم إن إبراهيم عبدك وخليلك ونبيك وإني عبدك ونبيك وإنه دعاك لمكة وإني أدعوك للمدينة بمثل ما دعاك به لمكة ومثله معه قال ثم يدعو أصغر وليد يراه فيعطي ذلك الثمر

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади айтадиларки: Мева пишса одамлар уни дарҳол Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга олиб келар эдилар. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам уни қўлларига олиб, шундай дуо қилардилар: Эй! Парвардигоро! бизларга меваларимизда ва юртимизда барака ато этгин! ва соъ-мудларимизда ҳам баракани насиб қилгин! Дарҳақиқат Иброҳим алайҳиссалом сенинг банданг, халилинг ва пайғамбарингдир. Мен ҳам сенинг банданг ва Пайғамбарингман. У Макка учун сенга дуо қилган эди, мен ҳам Мадина учун сенга дуо қиламан, балки унданда яна бир баробар ортиқ барака ато этишингни сўрайман. Сўнг у мевани, олдиларидан чиққан энг кичик болага берар эдилар.

Изоҳ: Яъни саҳобаи киромлар Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг барака ва дуоларини умид қилиб, у зотга мевани олиб келардилар. Кейин Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам дуо қилар эдилар. Бу дуоларида Иброҳим алайҳиссаломнинг маккага қилган дуоларини ёдга олиб, Мадинага Оллоҳнинг баракасини Маккага нозил қилган баракасидан ҳам зиёда қилишини тиладилар.

Мулла Али қори айтадилар: Олий жаноб зотлар, агар уларга камёб нарсани тақдим этилса, у бошқаларга етмайдиган бўлса, уни ўзларига олишни муносиб кўрмайдилар, шунинг учун ҳам, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга олиб келишган мевани, ёш

болаларга бериб юбордилар. Бундан ташиқари ёш болалар катталардан кўра мевага ўчроқ бўлиб, сабр тоқатлари камдир, шунинг учун катталардан ҳам кўра ёш болаларни кўпроқ риоя қилмоқ лозим.

202 - حدثنا محمد بن حميد الرازي ثنا إبراهيم بن المختار عن محمد بن إسحاق عن أبي عبيدة بن عمار بن ياسر عن الربيع بنت معوذ ابن عفراء قالت بعثني معاذ بن عفراء بقناع من رطب وعليه أجر من قثاء زغب وكان النبي يحب القثاء فأتيته به وعنده حلية قد قدمت عليه من البحرين فملأ يده منها فأعطانيه

Рубайъ бинт Муаввиз ибн Афроъдан ривоят қилинади, у аёл айтадилар: Амаким Муоз ибн Афроъ мени, бир саватчага хурмо, унинг устига майда тукчалари бор янги бодринглар қўйиб, Росулulloҳ саллалллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига жўнатди, у зот бодрингни жуда хуш кўрар эдилар. Мен уни у зотга олиб бордим, олдиларида Баҳрайн диёридан келтирилган тилло тақинчоқлар бор экан, шунда у зот, ундан бир чангал олиб, қўлимга тутқаздилар.

Изоҳ: Бу ҳадис Пайгамбар саллалллоҳу алайҳи васалламнинг жуда саховатли инсон эканликларига далилдир, чунки у зот озгина меванинг муқобилида тилло тақинчоқдан бир чангални инъом қилиб юбордилар.

203 - حدثنا علي بن حجر حدثنا شريك عن عبدالله بن محمد بن عقيل عن الربيع بنت معوذ ابن عفراء قالت أتيت النبي بقناع من رطب وأجر زغب فأعطاني ملء كفيه حليا أو قالت ذهباً

Бу ҳадис ҳам аввалги ҳадиснинг ўзи бўлиб, фақат бу ҳадисда ровий айтадики: У аёл икки кафтларини тақинчоқлар билан тўлдириб, ёки тиллога тўлидириб, - деган эдилар.

(31) باب ما جاء في صفة شراب رسول الله وفيه حديثان

Росулulloҳ саллалллоҳу алайҳи васалламнинг шароблари ҳақида келган боб. Бу бобда имом Термизий иккита ҳадис ривоят қиладилар.

204 - حدثنا ابن أبي عمر ثنا سفيان عن معمر عن الزهري عن عروة عن عائشة رضي الله عنها قالت كان أحب الشراب إلى رسول الله الحلو البارد

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга шаробларнинг энг суюклиги совуқ ширинлик эди.

Изоҳ: Мулла Али қори бу ҳадиснинг шарҳида шундай марҳамат қиладилар: “Ширин сувдан мақсад чучук сув, яна ҳадисдан ҳар қандай ширин совуқ ичимликларни ҳам тушуниши мумкин”. Чунки уларнинг даврларида бундай сувни топилиши мушкул эди. Қудуқлардан олинадиган сувлар аксарияти тузлик бўлиб камдан-ками ширин сув бўларди. Шўр сувларни ерларни сугоришига ишлатишар эди.

205 – حدثنا أحمد بن منيع ثنا إسماعيل بن إبراهيم حدثنا علي بن زيد عن عمر هو ابن أبي حرملة

عن ابن عباس رضي الله تعالى عنهما قال دخلت مع رسول الله أنا وخالد بن الوليد على ميمونة فجاءتنا بإناء من لبن فشرب رسول الله وأنا على يمينه وخالد على شماله فقال لي الشربة لك فإن شئت آثرت بها خالدا فقلت ما كنت لأؤثر على سؤرك أحدا ثم قال رسول الله من أطعمه الله طعاما فليقل اللهم بارك لنا فيه وأطعمنا خيرا منه ومن سقاه الله عز وجل لبنا فليقل اللهم بارك لنا فيه وزدنا منه ثم قال قال رسول الله ليس شيء يجزيء مكان الطعام والشراب غير اللبن قال أبو عيسى هكذا روي سفيان هكذا روي سفيان بن عيينة هذا الحديث عن معمر عن الزهري عن عروة عن عائشة رضي الله عنها ورواه عبد الله بن المبارك وعبدالرزاق وغير واحد عن معمر عن الزهري عن النبي مرسلًا ولم يذكروا فيه عن عروة عن عائشة وهكذا وروى يونس وغير واحد عن الزهري عن النبي مرسلًا قال أبو عيسى وإنما أ سنده ابن عيينة من بين الناس قال أبو عيسى وميمونة بنت الحارث زوج النبي هي خالة خالد بن الوليد وخالة ابن عباس رضي الله عنهم وخالة يزيد بن الأصم رضي الله عنهم واختلف الناس في رواية هذا الحديث عن علي بن زيد بن جدعان فروى بعضهم عن علي بن زيد عن عمر بن أبي حرملة وروى شعبة عن علي بن زيد فقال عن عمرو بن حرملة والصحيح عمر بن أبي حرملة

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади айтадиларки: Мен ва Холид ибн ал-Валид, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам билан биргаликда Маймуна розияллоҳу анҳонинг уйларига кирдик. У зот бир идишда сут олиб келдилар. Пайғамбар алайҳиссалом сутдан ичдилар. Мен у зотнинг ўнг тарафларида бўлиб, Холид эса чап тарафларида эдилар. Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки: Ичиш сенинг навбатингда, агар рухсат берсанг сутни Холидга бераман. Мен айтдимки: Ё Росулulloҳ ! саллаллоҳу алайҳи васаллам сизнинг сўлагингиз (теккан идишга) бировни ийсор қилмайман. (яъни ўзимдан бошқага раво кўрмайман демоқчилар) Сўнг Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам

айтдиларки: Кимни Оллоҳ таоло таомлантурса, у эй! Парвардигоро! бу таомда бизга барака бергин! Ва бундан яхшироғи билан бизларни ризқлантиргин! десин. Кимгаки Оллоҳ таоло сут берган бўлса айтсинки: Эй! Парвардигоро! бу сутда бизларга барака бергин! Ва манашу неъматингдан яна зиёда қилгин! Сўнг ровий айтишларича: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам Таом ва шаробнинг ўрнини сутдан бошқаси боса олмайди.-деган эканлар.

Абу Исо Термизий айтадиларки: Суфён Уяйна бу ҳадисни Муаммардан у эса Зухрийдан, Зухрий Урвадан, Урва Оиша розияллоҳу анҳодан манашундай ривоят қилган. Абдуллоҳ ибн Муборак ва Абдурраззоқ ва бошқалар Муаммардан, у Оиша онамиздан, у зот Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламдан -деб ҳадисни мурсал ҳолда ривоят қилганлар. Ва бу ривоятда Урва Оишадан ривоят қилган демаганлар. Ва Юнус ва бошқалар ҳам мурсал қилиб ривоят қилганлар. Абу Исо айтадиларки: Одамлар орасида муснад ҳолда ривоят қилган шахс фақат Ибн Уяйнадир. Маймуна ал-Ҳориснинг қизи, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи мутоҳҳараларидир. Бу Маймуна онамиз Холидга, Ибн Аббос ва Язид ибн ал-Асамларга эса хола бўладилар.

Одамлар бу ҳадисни Али ибн Зайд ибн Жудъондан ривоят қилинишида ихтилоф қиладилар. Баъзилар Али ибн Зайддан у Умар ибн аби Ҳармаладан деб ривоят қиладилар. Шўъба эса Али ибн Зайддан ривоят қилиб, сўнг Амр ибн Ҳармаладан ривоят –дейди. Лекин тўғри ривоят Умар ибн аби Ҳармаладан деган ривоятдир. Яъни Амрнинг ўрнига Умар дегани тўғридир. -демоқчилар,валлоҳу аълам.

Изоҳ: Шароб ичишликдаги суннат агар кўпчилик ўртасида бўладиган бўлса, ўнг қўлдан айлантормоқликдир, лекин ўнг қўлдаги киши ёш бўлиб, чап қўлдаги киши ёши улуг бўлса, ўнг қўлдаги кишидан рухсат сўраб, чап қўлдаги катта ёшлик кишига берса бўлади, шунинг учун, Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам сувни Холид ибн Валидга бериши учун ибн Аббосдан рухсат сўрадилар, ибн Аббос розияллоҳу анҳу ўша вақт ёш йигитча бўлишларига қарамай, Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўлақларида барака бўлишига фаҳмлари етган фақиҳ инсон эдилар. Шунинг учун сувни бошқа бировга беришларига кўнмадилар. Яна бу ҳадисдан олинадиган одоблардан: Агар чап томондаги киши кекса, ёки улуг ва мўътабар инсонлардан бўлса, ўша кишини ҳурмат ва риоя қилмоқ даркор, чап томондаги кишидан изн сўрашни унитмаган ҳолда.

Имом Термизийнинг ҳадисга бўлган шарҳларидан Маймуна онамиз ҳузурларига Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам билан биргаликда кирган йигитлар, у зотга жиян бўлиб, маҳрам эканликларини билиб олганимиздан сўнг, бу эркалар Маймуна онамизга ким бўлишаркин? Нима учун? у зотнинг ҳузурларига кириб боришдилар деб бош қотиришимизга ўрин қолмади.-десақ ҳам бўлади. Дарсимизга мана шу ерда яқун ясаб Оллоҳ таолодан ҳар ишларимизда тавфиқ сўраб қоламиз.

وآخر دعوانا إن الحمد لله رب العالمين